



## ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА ЛЕВОМЕТИЛ

Ушбу препаратни қўллашни бошлашдан олдин қўллашга доир йўриқномасини диққат билан ўқиб чиқинг, чунки у Сиз учун муҳим маълумот сақлайди.

Йўриқномани сақланг, у яна керак бўлиши мумкин.

Агар Сизда саволлар пайдо бўлса, шифокорга муурожаат этинг.

Сиз даволанаётган дори воситаси шахсан Сизга мўлжалланган ва уни бошқа шахсларга бериш мумкин эмас, чунки у уларда Сиздагига каби худди шу симптомлар бўлса ҳам зарар етказиши мумкин.

**Препаратнинг савдо номи:** Левометил

**Таъсир этувчи моддалар (ХПН):** диоксометилтетрагидропиримидин + хлорамфеникол

**Дори шакли:** сиртга қўллаш учун суртма

**Таркиби:**

100 г қуйидагиларни сақлайди:

*фаол моддалар:* диоксометилтетрагидропиримидин – 4,0 г, хлорамфеникол – 0,75 г;

*ёрдамчи моддалар:* макрогол 400 – 76,2 г, макрогол 1500 – 19,05 г.

**Таърифи:** оқ ёки сарғиш тусли оқ рангли бир хил суртма.

**Фармакотерапевтик гуруҳи:** Микробларга қарши мажмуавий восита.

**АТХ коди:** D06C.

### **Фармакологик хусусиятлари**

Сиртга қўллаш учун мажмуавий препарат, яллиғланишга қарши (дегидратация қилувчи) ва микробларга қарши таъсир кўрсатади. Хлорамфеникол микроб хужайрасида оксил синтезини жараёнини издан чиқаради ва бактериостатик таъсирга эга антибиотикларга мансуб. Граммусбат ва грамманфий микроорганизмлар (стафилококклар, кўк йиринг таёқчаси ва ичак таёқчалари ва бошқалар)га нсбатан фаол. Биологик мембраналарни шикастламасдан тўқималар орасига осон киради. Йиринг ва некротик массалар бўлганида антибактериал таъсири сақланади. Диоксометилтетрагидропиримидин нуклеин алмашинувини нормаллаштириб, тўқималарда регенерация, тўқималарни ўсиши ва грануляцион етилиши, эпителизация жараёнларини рағбатлантиради, яллиғланишга қарши (дегидратация қилувчи) таъсир кўрсатади.

### **Фармакокинетикаси**

Препарат аҳамиятсиз даражада сўрилади ва тизимли таъсир кўрсатмайди.

### **Қўлланилиши**

Яра жараёнининг биринчи (йирингли-некротик) фазасидаги йирингли яраларда (шу жумладан аралаш микрофлора билан инфекцияланган) қўлланади.

Зарурати бўлганида дори препаратини қўллашдан олдин илтимос шифокор билан маслаҳатлашинг.

### **Қўллаш усули ва дозалари**

Сиртга қўлланади. Стерил докали салфеткалар препарат билан шимдирилади, улар билан жароҳат сийрак тўлдирилади. Препаратни шприц ёрдамида катетер (дренаж найча) орқали йирингли бўшлиқларга юбориш мумкин. Бундай ҳолатларда суртма дастлаб 35-36°С гача қиздирилади. Боғламни алмаштириш ҳар куни, кунига бир марта, жароҳат йирингли-некротик массалардан тўлиқ тозалангунча амалга оширилади. Катта жароҳат юзаларида

суртманинг суткалик дозаси хлорамфениколга қайта ҳисобланганда 3 г дан ошмаслиги керак. Даволаш давомийлиги касалликнинг оғирлик даражаси ва кечишига боғлиқ. Агар даволагандан кейин яхшиланиш кузатилмаса ёки янги симптомлар пайдо бўлса, шифокор билан маслаҳатлашиш керак. Препаратни фақат йўриқномада кўрсатилган қўллаш усули ва дозаларда қўллаш керак. Зарурати бўлганида дори препаратини қўллашдан олдин илтимос шифокор билан маслаҳатлашинг.

### **Ножўя таъсири**

Аллергик реакциялар (тери тошмалари). Бундай ҳолатларда препаратни қўллашни тўхтатиш ва шифокорга мурожаат этиш керак. Агар йўриқномада кўрсатилган ножўя самаралар чуқурлашса ёки Сиз йўриқномада кўрсатилмаган ҳар қандай бошқа ножўя самараларни сезсангиз бу ҳақида шифокорга хабар беринг.

### **Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар**

Препаратнинг компонентларига ўта юқори сезувчанлик, 1 ёшгача бўлган болаларда қўллаш мумкин эмас (янги туғилган чақалоқларда хлорамфениколнинг биотрансформацияси катталарга нисбатан секинроқ кечади).

### **Дозани ошириб юборилиши**

Сўрилиши паст бўлганлиги туфайли эҳтимоли кам. Суртмани катта юзаларга суртганда ва узоқ вақт қўлаганда қон яратиш тизими томонидан симптомлар - анемия, лейкопения, тромбоцитопения, ретикулоцитопения пайдо бўлиши мумкин, улар одатда препаратни бекор қилгандан ва симптоматик даволаш буюрилгандан кейин ўтиб кетади.

### **Ҳомиладорлик ва эмизиш даврида қўлланиши**

Агар она учун кутилган фойда ҳомила ва бола учун хавфдан юқори бўлса, препаратни ҳомиладорлик ва эмизиш даврида қўллаш мумкин. Агар Сиз ҳомиладор бўлсангиз ёки ҳомиладорман деб тахмин қилсангиз ёки ҳомиладорликни режалаштирган бўлсангиз, ҳомиладорлик даврида препаратни қўллашдан олдин шифокор билан маслаҳатлашиш керак.

### **Бошқа дори препаратлари билан ўзаро таъсири**

Эритромицин, клиндамицин, линкомицин ва гентамициннинг сиртга дори шакллари билан бир вақтда қўлаганда ўзаро таъсирни сусайиши кузатилади.

### **Махсус кўрсатмалар**

Суртмани катта юзаларга суртганда ва давомли даволаш курсларида қоннинг клиник таҳлилини ўтказиш керак.

Препарат диққатни жамлаш ва тезкор реакцияларни талаб этувчи потенциал хавфли фаолият турлари билан шуғулланиш (автомобил ва бошқа транспорт воситаларини бошқариш, ҳаракатланувчи механизмлар билан ишлаш, диспетчер ва оператор иши ва бошқалар) қобилиятига таъсир кўрсатмайди.

### **Чиқарилиш шакли**

Сиртга қўллаш учун суртма.

30 г; 40 г дан препарат бушонли ички қавати лак билан қопланган алюмин тубаларда ёки полимер материалли бушонли мажмуавий материалли тубаларда. Ҳар бир туба дори препаратни тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаси билан картон қутига жойланади. 0,1 кг; 1 кг; 2 кг ёки 5 кг дан препарат полипропилен ёки юқори зичликдаги полиэтилен банкаларда тўшамда қопқоқчалар билан “Стационарлар учун” гофриланган картон қутига жойланади. Банкага этикетка ёки ёзув қоғозли маркировка ва дори препаратини тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаси билан ўз ёпишадиган этикетка, маркировка

ва дори препаратини тиббиётда қўлланилишига дори йўриқномаси билан ўз ёпишадиган этикетка ёпиштирилади.

1, 2, 4, 36 донадан банкалар тенг миқдордаги дори препаратини тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаси билан “Стационарлар учун” гофриланган картон қутига жойлашга йўл қўйилади.

#### **Сақлаш шароити**

25°C дан юқори бўлмаган ҳароратда (тубаларга жойланган дори препарати учун). Ёруғликдан ҳимояланган жойда, 12 дан 15°C гача ҳароратда (банкаларга жойланган дори препарати учун) сақлансин. Болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

#### **Яроқлилик муддати**

3 йил 6 ой.

Яроқлилик муддати ўтгач қўлланилмасин.

#### **Дорихоналардан бериш тартиби**

Рецептсиз берилади. Стационар учун берилади.

#### **Ишлаб чиқарувчи/истеъмолчилардан эътирозларни қабул қилувчи ташкилот:**

«Зеленая дубрава» ЁАЖ, Россия

141801, Москва вил., Дмитров ш., Профессиональная кўч., 151 уй,

тел.: +7 (495) 993-99-95

www.mazi.ru

#### **Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дори воситаларининг сифати бўйича эътирозлар (таклифлар) ни қабул қилувчи ташкилотнинг номи ва манзили**

“INTERFACOM” ХК

Юридик манзили: 100124, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Мирзо-Улугбек

Тумани, Феруза (Кодыров) Кўч, Камолот МСГ, 12 уй

Тел.: +99878 150 13 57; +99871 291-11-98

#### **Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рақамли маркировкалаш эътирозларни қабул қилувчи ташкилотнинг номи ва манзили**

«FAGUSAL» МЧЖ

Ўзбекистон Республикаси, 100124, Тошкент ш., Мирзо-Улугбек Тумани, Феруза (Кодырова) кўчаси, Камолот МСГ, 12 уй.

Тел.: + 99871-291-11-98, + 99878-150-13-57.

fagusal@yandex.ru